

# Синовли йилнинг қаҳрамонларига мукофотлар топширилди



Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонлариға мувофиқ, мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида бир гурух юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Бугун, 28 декабрь куни Кўксаройда мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни табриклаб, уларга ўзининг юксак эҳтиромини билдириди.

- Биз кейинги йилларда яхши анъанани йўлга қўйиб, юртдошларимизга мукофотларни байрам кунида топшириб келаётган эдик. Афсуски, бу йилги пандемия шароитида одамларимизнинг соғлиғини асраш учун ушбу хайрли тадбирни бироз кейинга суришга тўғри келди. Эзгуликнинг кечи йўқ, дейдилар. Насиб этган экан, мана бугун сизлар билан Янги йил байрами арафасида юзмажӯз кўришиб, дийдорлашиб турибмиз, – деди Шавкат Мирзиёев.



Ҳаётда хурсандчилик билан тури синов ва қийинчиликлар ёнма-ён юради. Бу йил коронавирус пандемияси бутун инсоният бошига катта ташвишлар солди. Халқимиз бу касалликка қарши курашиш билан бирга бошқа синовларга ҳам дуч келди. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кутилмаган оғатлар рўй берди.

- Эл-юртимиз бу муаммолар қаршисида саросимага тушиб қолгани йўқ. Аксинча, қийинчиликлар бизни янада бирлаштириди, бир-биримизга меҳримиз ортди. Мураккаб вазиятга қарамасдан, кўпни кўрган, азму шиҷоатли халқимизнинг фидокорона меҳнати билан бу синовларни мардона енгиб ўтаямиз. Барака ҳамжиҳатлиқда, деган гап ҳаётимизда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларини камайтириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимиз ўз самарасини беряпти, – деди Президент.

Аҳоли соғлиғини асраш, иқтисодиётни ривожлантириш ва бунёдкорлик ишлари жадал давом этаётгани таъкидланди. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари барпо этилмоқда. Биргина шу ойда Тошкент металлургия заводи, янги метро йўналиши ишга туширилди. Жорий йилда пойтахтимизда Болалар миллий тиббиёт маркази, Ғалаба боғи, Адиблар хиёбони бунёд этилди. Барча вилоят ва туманларда замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, янги-янги боғчалар, мактаблар, маданият ва санъат ҳамда спорт масканлари қад ростламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда. Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёғаси тобора обод бўлиб бормоқда. Миришкор деҳқон ва фермерларимиз пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар.

- Биз бугунги натижаларга эришиш учун пандемия шароитида – ғоят мураккаб бир вазиятда иш олиб бордик, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бунинг учун 2-3 карра кўпроқ меҳнат қилишга, изланиш, янги имконият ва ресурсларни қидириб топишга тўғри келди. Аввало, фидойи шифокорларимиз ўз жонини гаровга қўйиб, халқимиз соғлиғини асраш учун бекиёс жасорат ва матонат кўрсатдилар. Бу борада Қуролли Кучлар, Миллий гвардия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мард ва жасур ходимларининг хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айни вақтда, бунёдкор қурувчилар, саҳоватли тадбиркорлар, маҳалла фаоллари, муҳтарам нуронийларимиз, навқирон ёшларимиз, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси вакиллари эл-юртимизга ҳақиқий таянч ва суюнч бўлиб майдонга

чиқдилар. Ҳар қандай синовни бирдамлик билан енгиб ўтадиган халқимиз мана шундай оғир кунларда құдратли күчгә айланди. Фурсатдан фойдаланиб, сабр-матонатли, захматкаш, олижаноб ва фидойи халқимизга, унинг буюқ қаҳрамонлиги учун яна бир бор бош эгиб, таъзим қиласан.



- Дунёда инсон ўзини қачон баҳтли деб билади? Буюклик нимада? Элга ҳалол, пок меңнат қилиб, натижаси мана шундай мукофот бўлганда. Бу ерда ўтирганлар бугунги куннинг қаҳрамонлари, мардона халқимизнинг буюқ вакиллари, - дея таъкидлади Президент.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, юртдошларимизнинг фидокорона хизматларини муносиб эътироф этиш мақсадида бу йил “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог” фахрий унвони, “Олий Даражали Дўстлик”, биринчи ва иккинчи даражали “Саломатлик” ҳамда “Фахрий мураббий” орденлари, “Соғлом турмуш” медали каби янги давлат мукофотлари таъсис этилди.

Бундан ташқари, “Мехр-саҳоват” кўкрак нишони жорий қилиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшган қарийб 25 минг ватандошимиз ушбу мукофот билан тақдирланди.

Айни кунларда жойларда юзлаб ҳамюртларимизга ана шу фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланган барча ватандошларимизга йиғилганлар номидан табрик йўллади.



Шундан сўнг мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Маълумки, Ўқитувчи ва мураббийлар байрами арафасида жадидчилик ҳаракати намояндалари - Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Буюқ хизматлари учун” ордени билан тақдирланган эди.

Маросим аввалида ана шу мукофотлар маърифатпарвар боболаримизнинг невараларига топширилди. Бундай эҳтиром улуғ аждодларимизнинг ўлмас мероси бугунги кунда ҳам қадрли эканидан, халқимизга бекиёс маънавий куч бағишилаб келаётганидан далолат беради. Айни вақтда, эл-юртимизнинг миллий уйғониш ва тараққиётга интилиши барқарор эканини намоён этади.

Шунингдек, тиббиёт, иқтисодиёт, фан, таълим, адабиёт ва бошқа соҳалар намояндалари, давлат ва жамоат ишлари фаолларига мукофотлар топширилди. Самарали фаолияти, ватанпарварлиги ва ташаббускорлиги билан ёшларга ибрат бўлаётгани учун Президент уларга миннатдорлик билдириб, эзгу тилакларини изҳор этди.

- Ҳаммамиз бугун яхши орзулар ва улуғ мақсадлар билан, янги йил остонасида турибмиз. Биз барчамиз аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, халқимизга садоқат билан меңнат қилиб, янги Ўзбекистон пойдеворини яратаБётганимиз билан фахрланамиз. Дунёмиз тинч бўлсин, бағрикенг ва олижаноб халқимизни, жонажон Ватанимизни Оллоҳ таоло ҳамиша ўз паноҳида асрасин, - дея сўзини яқунлади Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириди.

Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меңнат фахрийлари, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.





*Манба*